

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

| | |
|---|-----|
| Қ.Йўлчиев Лирик шеърда сюжет ва топохронос | 102 |
| С.Эшонқулова Нодира лирикасининг бадиият олами асослари | 108 |

ТИЛШУНОСЛИК

| | |
|--|-----|
| А.Мамажонов Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши | 113 |
| З.Раҳимов, Ш.Искандарова Фарғона тилшунослик мактаби | 116 |
| Р.Шукуров, Г.Жўрабоева Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир | 123 |
| М.Абдупаттоев Поэтик нутқни ўрганиш масалалари | 128 |
| З.Алимова Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши | 133 |
| Ш.Дадабоева Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари | 138 |
| Н.Якубова Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот объекти сифатида | 142 |
| Л.Абдуллаева Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида | 146 |

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

| | |
|--|-----|
| Н.Расулова Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг моделлари | 150 |
| Г.Ҳамраева Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш усуллари | 157 |

ИЛМИЙ АХБОРОТ

| | |
|--|-----|
| М.Мирзарахимов, А.Сирождидинов, Ж.Назирқулов Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш | 163 |
| М.Султонова Ўзбекистонда телетиббиёт тизимини ташкил этиш тизими модели ва ундаги муаммолар | 167 |
| Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўмонов, М.Акбарова Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш | 171 |
| И.Асқаров, М.Холматова Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби | 175 |
| Х.Муйдинов, Ж.Кодиров Қорамол тери ости бўкалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўкалар ҳашаротларининг учуш муддатлари | 180 |
| Ш.Усанов Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари | 183 |
| А.Эшниязова Ижодкор биографияси ва уруш фожияси | 187 |
| Т.Рузибоев Жудолик Навоий талқинида | 191 |
| Ш.Махмиджонов Руҳият қирраларининг бадиий талқинлари | 195 |

ФОРСЧА-ТОЖИКЧА ЎЗЛАШМАЛАРДА ВОКАЛИЗМЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ
ИЗМЕНЕНИЕ ВОКАЛИЗМОВ В ПЕРСИДСКО-ТАДЖИКСКИХ ЗАИМСТВОВАНИЯХ
CHANGE OF VOCALISMS IN PERSIAN-TAJIK BORROWINGS

Алимова Зарифа Вахобовна¹

¹Алимова Зарифа Вахобовна

– Фарғона давлат университете, тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада тилнинг луғат бойлиги, бир тилдан иккинчи тилга лексик бирликларнинг ўтиши, ўзбек тилидаги ўзлашмаларда учраб турадиган фонетик ҳодисалар, нутқдаги товушларнинг комбинатор ва позиция ҳолатга кўра ўзгариши, форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмлар ўзгаришлари ҳақида сўз боради.

Аннотация

В статье речь идёт о словарном запасе языка, о переходе лексических единиц из одного языка в другой, фонетических явлениях, встречающихся в заимствованных словах узбекского языка, об изменении звуков в речи в зависимости от комбинаторного и позиционного состояния, об изменении вокализмов персидско-таджикских заимствований в узбекском языке.

Annotation

This article discusses language vocabulary, lexical richness of a language, the transition of lexical units from one language into another, the phonetic phenomena that occur in the borrowings of Uzbek language, the combinatory and positional changes of sounds in speech and vocalisms in Persian-Tajik dialects.

Таянч сўз ва иборалар: тилнинг луғат бойлиги, лексик бирликлар, ўзлашмалар, фонетик ҳодисалар, товуш, вокализм.

Ключевые слова и выражения: словарный запас языка, лексические единицы, заимствованные слова, фонетические явления, звук, вокализм.

Keywords and expressions: language lexicon, lexical units, borrowings, phonetic phenomena, sound, vocalism.

Ҳар бир тилнинг ўз фонемалар тизими мавжуд бўлиб, бир тилдаги фонемалар бошқа тилдаги фонемалардан фарқ қилади. Дунё тилларининг фонемалари ўхшаш ва фарқли томонларга эгадир. Хусусан, ўзбек тили ҳам ўз фонемалар тизимига эга. Фонемалар тил тараққиётида турли ўзгаришларга учрайди. Шу сабабли ҳам дунё тилларидаги нутқ товушлари бир-бирига ўхшамайди.

Фонеманинг турли кўринишлари реал талаффуз этиладиган турли товушлар каби фонема орқали ифода этиладиган алоҳида ҳодисадир. Айнан Л.В. Шчерба ўзидан аввал ўтган тадқиқотчиларнинг изланишларини умумлаштириб, фонема деб аталган лисоний ҳодиса ҳақидаги билимларни тартибга солиди ва фонема таҳлили бўйича асосчи бўлди [3, 14].

Н.А.Муҳамедованинг қайд этишича, фонема морфемалар ва сўзларни фарқлаш учун ишлатиладиган товуш тизимининг энг кичик бирлигидир. Таққосланг: форс тилида бод “шамол” ва бад “ёмон”, пул “пул” ва пўл “кўприк”, санг “тош” ва танг “тор” [7, 3].

А.М.Шчербакнинг “Сравнительная фонетика тюркских языков” [12, 204]. номли илмий монографияси туркий тилларнинг қиёсий-тарихий фонетикаси ва морфологиясини ўрганишга бағишланади.

Фонетика тил товушлари, барча хилдаги товуш бирликларининг қўлланиш хусусиятларини тадқиқ этади. Фонетик система тилнинг қурилиш бирликлари орасида ўзининг ўзгарувчанлиги билан лексикадан кейин иккинчи ўринда туради. Бунинг сабаби шундаки, тилнинг ички ривожланиш қонуниятлари, ташқи муҳит, қўшни тиллар, жамият ва фан-техниканинг ривожини, тилга янги сўзларнинг ўзлашиши тилнинг фонетик қурилишига тез таъсир қилади.

Н.Маҳмудовнинг таъкидлашича, бошқа тилдан сўз олганда, албатта, муайян меъёр сақланиши шарт, шубҳасизки, бу меъёр тилнинг яхлит сўз захирасини меҳваридан чиқариб юбормаслик учун хизмат қилади. Шуни ҳам алоҳида таъкидламоқ жоизки, бошқа тилдан меъёрни сақлаган ҳолда

олинадиган сўз олувчи тилнинг фонетик қонуниятларига мослаштирилиши мақсадга мувофиқ [6, 4].

Тилда баъзан учраб турадиган фонетик ҳодисалар, ёнма-ён қўлланишлар аста-секин қонуниятга айланади. Шунинг учун ҳар бир даврдаги тил шу тилда сўзловчилар учун ўзгармасдай, барқарордай туюлади. Тилда тараққиёт ва ўзгариш жараёни ҳеч қачон тўхтамайди. Ўзбек тили ҳам бир неча тараққиёт даврини бошидан кечирди ва ҳар бир даврнинг ўзига хос қонуниятларига ҳамда фонетик системасига эга.

Ўзбек адабий тилининг дастлабки даврларида унли товушларнинг батафсил тавсифи, унлилар системаси, уларнинг фонетик вариантлари ҳақидаги муҳим маълумотларни Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асарида учратиш мумкин. XVI асрда Ҳусайн Бойқаро буйруғи билан Толеъ Ҳиравий томонидан, асосан, форсий тилда ёзилган “Бадоеул-луғат”, Мирза Маҳдийхоннинг “Мабоинул-луғат” грамматикаси ва “Санглоҳ” луғати, Фатҳали Кожарийнинг “Луғати атрокия”, усмонли турк тилида XV асрда ёзилган “Абушқа” луғати, Шайх Сулаймоннинг “Луғати чигатоий ва туркий усмоний” асарларидаги эски ўзбек тили сўзларининг талаффуз хусусиятлари ҳақида берилган изоҳлардан ҳам ўзбек тили тарихий фонетикаси бўйича муҳим маълумотларни олиш мумкин.

Эски ўзбек тили ҳақида гапирганимизда, ундаги қатъий қонидани таъкидлаш жоиз: арабча ва форсча сўзлар манба тили ёзувида қандай ёзилса, туркий матнларда ҳам шундай ёзилган.

Нутқдаги турли омиллар натижасида товушлар бир-бирига таъсир қилади. Талаффузда енгиллик ва соддаликка интилиш, нутқ товушларининг ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган ўзгаришлар фонетик ҳодисалар дейилади.

Тилда нутқ товушларининг ўзгариши деярли икки ҳолатда содир бўлади: 1) позицион ҳолатга кўра; 2) комбинатор ҳолатга кўра.

Позицион ҳолатга кўра товушнинг ўзгариши нутқ товушининг сўздаги ўрнашишига кўра ўзгаришидир. Ўзбек тилидаги сўз ўзаклари деярли C+V+C (ундош+унли+ундош) кўринишида бўлади. Яъни сўз марказида унли бўлгани ҳолда анлаутда ҳам, ауслаутда ҳам бир ундош

жойлашади. Баъзан ўзак охирида қўш ундош келиб қолиши кузатилади: *орт, торт, қирқ, айт, қайт, синч* каби.

Нутқдаги товушларнинг комбинатор ҳолатга кўра ўзгариши сўздаги бирор товуш таъсирида бошқа товушнинг ўзгаришидир. Н.Улуқовнинг таъкидлашича, нутқда товушларнинг комбинатор ўзгаришларига *аккомодация, ассимиляция, диссимиляция, диереза, эпентеза, гаплогия, протеза, метатеза* каби фонетик ҳодисалар киради [11,85].

Товушлар талаффузи орқали кишилар ўртасида коммуникатив алоқа ўрнатилади. “Маълум товуш ёки товушлар комплексида маъно ёки мақсаднинг ифода топиши луғавий бирлик, лексика ҳисобланади. Шу лексиканинг маълум грамматик қонуниятлар асосида коммуникацияга киришуви нутқ, яъни тилдир. Бу ўринда тилнинг уч босқичдаги таркибий қисми ҳақида гап боради: тилнинг материал манбаи - товушлар; шу материал манбаини сўз воситасида ташиши – лексика, луғат; ўша лексиканинг кишилар мулоқотга киришуви учун ўзаро коммуникатив алоқада бўлиш қонунияти – грамматика... Товуш тилни намоён этувчи материалдир” [6,5].


А.К.Боровковнинг тилшуносликка қўшган муносиб ҳиссаси шундаки, у ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро муносабати, ўзбек шеваларининг тавсифи, ўзбек диалектлари фонетикасига оид маълумотлар келтирган [2,165]. Ф.Абдуллаев ҳам ўзбек тили фонетикаси, диалектикаси юзасидан илмий изланишлар олиб бориб, ўзбек шеваларида нутқ товушлари, уларнинг ўзгаришлари ҳамда урғу борасида тўхталиб ўтган [1,65].

Форсча-тожикча сўзлар ўзбек тилига ўзлашиб, сингиб кетганини кўрсатувчи муҳим белгилардан бири – бу, тиллардаги сўзларнинг шаклан яқин ва ўхшашлигидир. Асл тожикча муштарак сўзларнинг кўпчилиги иккала тилда бир хилда талаффуз этилади ва ёзилади. Масалан, *фармон, фош, хазон, ханда, хода, хурсанд, хушомад, хўранда, чора, чунки, шамшод, шодмон, шодон, шояд, якка, ғунча, ҳамдам, ҳамон* ва бошқалар. Лекин тожикча ўзлашмаларнинг бир қатори ўзбек адабий тилининг орфоэпик ва орфографик нормаларига бўйсундирилган. Масалан, е>и: *гелос>гилос, далер>далир, парешон>парешон* каби [13,110]. Ҳ.Неъматовнинг қайд этишича,

ТИЛШУНОСЛИК

кўпгина форсча сўзларда *ū* ўрта кенг унлиси э га ўтади: *бўхабар* > *бехабар*, *бўғам* > *беғам*, *мўва* > *мева*, *нўк* > *нек*, *шўр* > *шер*, *андўша* > *андеша*, *дарвўш* > *дарвеш* ва ҳоказо [8,29].

Тожикча **набера** лексемаси ўзбек тилига иккинчи бўғинидаги э товушини *и* товушига алмаштириш билан ўзбекчалаштириб олинган, чунки ўзбек тилида э товуши лексеманинг фақат биринчи бўғинида келади: *набера* → *набира*. Кейинчалик *б* товуши *в* товушига, айна вақтда *и* товуши *а* товушига алмаштирилган: *набира* → *навара*; шундан кейин *навара* шаклининг биринчи бўғинидаги *а* товуши э товушига алмаштирилган: *навара* → *невара*. Ш.Раҳматуллаевнинг фикрича, *невара* шаклида *а* товушининг э товушига алмаштирилиши *чевара* лексемаси таъсирида воқе бўлган: *невара*, *чевара*. Бу мисолда икки хил товуш алмашуви воқе бўлади: 1) *б* товуши *в* товушига, 2) *и* товуши *а* товушига, биринчи бўғинидаги *а* товуши аксинча э товушига



Чизманинг чап томонидаги ҳарфлар форс-тожик сўзларидаги унли товушлар бўлиб, улар иштирокида келган айрим лексемалар ўзбек тилига ўзлашганда чизманинг ўнг томонидаги товушларга алмашинган. Уларни қуйидаги кетма-кетликда таҳлил қилиш мумкин:

а) **А** → **О** (а нинг о га алмашиниши):

Дарров (دررو - *кетувчи*, *қочуви*, *йўқолувчи*) лексемаси ФТЗТда **даррав** шаклида ёзилиб, “тез”, “дарҳол” маъноларини ифодалайди. Ўзбек тилига ўзлашганда сўзнинг иккинчи бўғинидаги *а* товуши *о* товушига ўзгарган: *Тўғри ва соф одамлар дарров дўст бўлиб оладилар ва бу дўстлик узоққа чўзилади* (Т.Малик, Одамийлик мулки).

С.Зокированинг таъкидлашича, икки тилнинг унли ҳамда ундош товушлар тизими чоғиштирилганда, товушларнинг миқдори, уларнинг акустик, артикуляцион хусусиятлари, нутқ товушларининг фарқлилиги тадқиқ этилади [4,36].

алмашади. Биринчи бўғинидаги *а* товушининг э товушига алмашувини ташқи (тасодифий) таъсир натижаси деб назардан соқит қилиш мумкин, лекин *б* товушининг *в* товушига алмашуви ўзбек тилида мавжуд товуш ўзгаришлари қоидаларига мувофиқ воқе бўлади: овоз товушлар оралиғида *б* портловчи товуши *в* сирғалувчи товушига алмашади; иккинчи бўғинидаги *и* товушининг *а* товушига алмашуви биринчи, учинчи бўғинидаги *а* товушлари таъсирида воқе бўлган дейиш мумкин” [10,27]: *Бошқа биров набира кўрган кун и ўзини дунёдаги энг бахтиёр инсон деб ҳисоблайди* (Т.Малик, Одамийлик мулки).

Форс-тожик тилидан ўзлашган сўзларнинг баъзиларида юз берган фонетик мувофиқлашув уларнинг орфоэпиясида ўз аксини топади. Қуйида ўзлашмаларнинг товуш ўзгаришлари ҳақида сўз боради. Хусусан, унли товуш ўзгаришларини қуйидаги чизма кўринишида ифодалаш мумкин:

Омбор (انبار *озиқ-овқат*, *асбоб-анжом сақланадиган бино*) лексемаси форс-тожик тилида **анбор** шаклида ёзилади, лекин **амбор** тарзида ўқилади. Бундай ўзлашмаларни ўзбек тилида кўплаб учратиш мумкин. М.Миртожиевнинг таъкидлашича, сўздаги ассимиляцияловчи товуш ассимиляцияланувчи товушни фақат артикуляция ўрнига кўра бир хил қилиб олади. Масалан: *synbyl* > *symbyl*, *tanbal* > *tambal* ва ҳоказо [6, 290]. Шунингдек, *шанба* > *шамба*, *дунба* > *думба*, *анбур* > *омбур* лексемалари ҳам бунга мисол бўлади. Ўзбек тилига ўзлашган **омбор** лексемаси ҳам мазкур қоидага асосланган ҳолда луғат таркибидан жой олган.

Хирмон (خرمن *ҳосил йиғиладиган жой*) лексемаси орқали етилган ҳосилни йиғиб тўпланадиган жой тушунилади. Қуйидаги мисолда *хирмон* сўзи кўчма маънода қўлланган: *Ишқ - яшиндир, ақлу дин хирмонини куйдиради, у бўрондир, куйганларнинг кулини кўкка совуради* (Т.Малик, Одамийлик мулки). ФТЗТда ушбу

лексема *хирман*, форс тилида *харман* ва *херман* тарзида учрайди. Ушбу лексеманинг тожикча шаклидаги *а* товуши *о(ā)* товушига алмаштириб олинган [9, 239]. Ўзбек тилида *а* товушининг *о* товушига ўзгаришига қуйидагиларни ҳам мисол қилиш мумкин: **шабдар >шабдор** – *йўнғичқанинг бир тури*, **шалғам >шолғом**.

б) А → И (а нинг *и* га алмашиниши):

Душохи (دوشاخه) *икки шохли, ёғоч паншаха*) лексемаси орқали “*миллий нақш турларидан бири*” маъноси англашилади. Форс-тожик тилида *душоха* шаклида ёзиладиган ушбу лексеманинг “*икки шохли; ёғоч паншаха*” каби маънолари мавжуд, лекин “*миллий нақш турлари*” маъноси келтирилмаган. ФТЗТда ҳам ушбу маънолар билан бирга “*дарахтнинг икки тарафга ўсган шохли*” маъноси келтирилган, лекин нақш тури ҳақидаги маъно учрамайди.

Шингарф (شنگرف) лексемаси “*қизил рангли минерал*”, “*олтингеуртли симоб*” каби маъноларни ифодалайди. Мазкур лексема форс тилида **шангарф** тарзида учрайди ҳамда “*киноварь*” (*қизил рангли минерал, симоб рудаси; шу минералдан тайёрланган қизил бўёқ*) маъносини ифодалайди. ФТЗТда ҳам **шангарф** шаклида ифодаланган. Ушбу лексеманинг биринчи бўғинидаги *а* товуши ўзбек тилига *и* товушига ўзгарган ҳолда ўзлашган.

в) А → У (а нинг *у* га алмашиниши):

Ўзбек тилидаги тожикча сўзларни ўз қатламдан, шунингдек, ўзлашма қатламнинг бошқа тилларга хос сўзларидан ажрата олиш маълум лингвистик тайёргарликни, илмий малакани талаб қилади. Бунинг учун форс-тожик тилига хос сўзларнинг ўзига хос фонетик ва грамматик белгиларини билиш алоҳида аҳамиятга эга.

Буромад (برامد) *чиқим, харажат, чиқим*) лексемаси *чиқим, сарф-харажат* каби маъноларни ифодалайди. Ушбу лексема форс-тожик тилида **баромад** шаклида ифодаланган. *Баромад* лексемаси *бар омадан* – *чиқмоқ* феълидан ҳосил бўлган ўтган замон асосидир:

Даромадга қараб буromoд. Буromoд бўлмаса, даромад бўлмас (Мақол).

Сувора (سواره) *отлик, от-уловга минган ҳолда*) лексемаси форс-тожик тилида *савора* (ПРС. II.64) шаклида ифодаланиб, ўзбек тилига *сувора* тарзида ўзлашган (5.III.579). Ушбу лексема *савор шўдан* –

(*отга*) *минмоқ* феълидан олинган бўлиб, ундан *савора* – “*отлик*” лексемаси ҳосил бўлган.

г) О → А (о нинг *а* га алмашиниши):

Ўзлашмалар ичида *о* товушининг *а* товушига ўзгаришига мисоллар кўп учрайди. Жумладан, **карвон** (كاروان) *туя ва бошқа юк ташувчи ҳайвонлар қатори*) лексемаси бунга мисол бўлади ва қуйидиги маъноларни ифодалайди: 1. *Узоқ жойларга юк ва одам ташувчи, изма-из борувчи ҳайвонлар, аравалар ва уларни бошқарувчи шахслар тўдаси, қатори*. 2. *Савдогарлар карвони*. 3. *Туялар карвони* (5.II.320). Мазкур ўзлашма тожик тилида *корвон*, форс тилида *корвон, коревон* тарзида учрайди. Ушбу ўзлашманинг биринчи бўғинидаги *о* товуши *а* товушига алмашган: *Иттифоқо, биёбонда қимматбаҳо моллар ортилган бир карвон Миср сари кетиб борарди* (Т.Малик, Одамийлик мулки).

Зўравон (زورآور) *ботир, полвон*) лексемаси форс-тожик тилидаги **зуровар** лексемасининг ўзбек тилига ўзлашган шаклидир: *Китобхон меҳрини зўравонлик билан ҳам, ялиниб ҳам, пул бериб ҳам сотиб олиб бўлмайди* (Ў.Ҳошимов, Дафтар хошиясидаги битиклар).

Мазкур ўзлашма **зур** “*куч*”, “*зўрлик*” ва *овардан* (*келтирмоқ*) феълининг ҳозирги замон асоси **овар** қисмидан ҳосил бўлиб, “*зўрлик келтирувчи*” деган маънони ифодалайди. Ўзбек тилида **зўравон** лексемасининг “*жисмонан бақувват*”, “*ботир*”, “*золим*”, “*зулм ўтказувчи ҳукмдор*” каби маънолари келтирилади. Форс-тожик тилида шундай лексемалар борки, улар ўзбек тилига ўзлашганда бир эмас, бир неча фонетик ўзгаришларга учраши мумкин. *Зуровар* лексемасининг - *овар* қисми ўзбек тилига - *авон* тарзида ўзлашгани ҳам фикримизнинг далилидир. Ваҳоланки, -*авон* ўзбек тилида ҳеч қандай таржимага эга эмас.

д) О → И (о нинг *и* га алмашиниши):

Бадкир (بدكار) *ёмон амалли*) лексемаси орқали ўзбек тилида *ёмон, разил ишлар қилувчи* деган маъно англашилади. Ушбу ўзлашма форс-тожик тилида **бадкор** тарзида учрайди:

Бахтсизликка учраган одамга етти ёт бегона хиёнат қилмайди...Бу бадкирдорликлар яқин кишилардан чиқади (Т.Малик, Одамийлик мулки, 192-бет).

ТИЛШУНОСЛИК

е) У → И (у нинг и га алмашилиши):

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида у товушининг *и* товушига алмашилишига мисоллар кўп учрайди: *ангуштвона, ангуштпона>ангишвона, бунафша>бинафша, дору>дори, дорухона>дорихона, тарозу> тарози* ва бошқалар.

Ангишвона (انگشتوانه - *иш тикишда бармоқ учига кийдириладиган металл буюм*) лексемаси тожик тили луғатида *ангуштвона* ва *ангуштпона* тарзида учрайди, форс тилида эса *ангуштвоне* ва *ангуштоне* шаклида ифодаланган. Келтирилган лексемада *т* товуши тушиб қолиб, *у* товуши *и* товушига алмашган: *Еганича есин, ангишвонадай қорнига дунёни ютвормас* (Х.Дўстмуҳаммад, Жажман).

Дори (دارو - *дори-дармон, малҳам*) лексемаси форс-тожик тилида **дору** кўринишида учрайди: *Р.Б.С.Бодли ўзининг “Саҳрои Кабир шамоли” номли китобидаги “Аллоҳнинг жаннатида яшадим” деган мақоласида ... мана шу эътиқодга амал қилиб, умр бўйи бахтли яшаб келаётгани, ундаги бу иймон барча дори-дармонлардан*

яхши эканини ёзган экан (Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Мукамал саодат йўли).

Тарози (ترازو *вазн ўлчаш асбоби*) лексемаси форс-тожик тилида **тарозу** тарзида учрайди. Ўзбек тилида сўз охиридаги *у* товуши *и* товушига алмашган: *Мўмин-мусулмон киши қиёмат куни тарози бўлишига ва унда ҳар бир одамнинг бу дунёда қилган амаллари ўта аниқлик билан тортилишига жазм ила эътиқод қилмоғи лозим* (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Мукамал саодат йўли).

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек тилининг беш томли изоҳли луғатида форс-тожик тилидан ўзлашган лексемалар кўп учрайди. Улар тилимизга шундай ўзлашганки, уларнинг ўзга тилдан кириб келгани деярли сезилмайди. Форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлар ўзбек тилидаги сўзлар билан қиёсланганда, товушларнинг миқдори, уларнинг акустик ва артикуляцион хусусиятларини аниқлаш имкони бўлади. Форс-тожик тилидан ўтган ўзлашмаларнинг баъзиларида юз берган фонетик мувофиқлашув уларнинг орфоэпиясида ўз аксини топади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Ф. А. Фонетика. – Т.: Фан, 1967.
2. Боровков А.К.Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков // Учен. зап. инсттута востоковедения. – № IV. – М., 1952.
3. Джуманова Д. Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели. Ф.ф.д. дисс... автореф. – Т., 2016.
4. Зокирова С. Тиллар тадқиқида контрастив лингвистика илмий парадигмасининг ўрни. Ф. ф.ф. д. (PhD) диссертацияси. – Фарғона, 2017.
5. Маҳмудов Н. Ўзбек тилида ўзлашма сўзлар: меъёр ва миллийлик // Ўзбек тили ва адабиёти.-Т., 2010.-№ .
6. Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Фан, 2013.
7. Мухамедова Н.А. Теоретическая грамматика персидского языка. –Т., 1994.
8. Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси.-Т.: Ўқитувчи,1992.
9. Раҳматуллаев Ш.Ўзбек тилининг этимологик луғати. III жилд. –Т.: Университет, 2009.
10. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. – Т.: Universitet, 2006.
11. Uluqov N. Tilshunoslik nazariyasi. – Т.: Barkamol fayz mediya, 2016.
12. Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л.: Наука 1970.
13. Ўзбек тили лексикологияси. –Т.: Фан, 1981.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).